

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Оришев Жамшид Баҳодирович

А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси,
Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада глобаллашув даврида педагогларнинг вазифа ва бурчлари юзасидан айрим мулоҳазалар баён этилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, педагог, ёш авлод, таълим-тарбия.

Бугун инсоният ўз тарихининг янги даврига қадам қўйди. Иқтисодий жараён сифатида юзага келган глобаллашув даври бугунги кунда ўз таъсир доирасига эга бўлмаган бирорта соҳа ёки тармоқ қолмади. Жаҳонда етакчиликка эришишга интилаётган баъзи сиёсий кучлар борки, бундай кучлар эндиликда таъсир ўтказишнинг энг замонавий ва самарали воситаси сифатида ахборотни бош қурол қилиб олмоқда. Биринчи Президенти И.А.Каримов ана шу хавф хатардан огоҳ этиб “Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қилади, олис яқин манбалардан тарқаладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий ҳамлалар таъсирини доимо сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустакил фикрига сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий – миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазиикларга бардош бериши амримаҳол” – деб таъкидлагани бежиз эмас эди.

Ҳозирги кунда кишиларининг фаолияти бир томондан ахборотга эгалик, иккинчи томондан шу ахборотни қандай қўллашларига боғлиқ. Ҳар қандай мутахассис ахборот – коммуникация технологиялари орқали ахборотни олиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишни уddaлаши лозим. Глобаллашув эса ҳар бир соҳанинг янги, ахборотли жамият кўринишига ўтишини тезлаштиради.

Ҳар қандай соҳада ҳам ўз соҳаси сирларини мукаммал эгаллаган моҳир устаси бўлиши табиий. Моҳир мутахассис бу соҳага доир тажрибаларни фақат эгаллабгина қолмасдан, у янгиликлар қила олади ва тажрибасини оммалаштиришга ҳам эришади. Педагогика соҳасининг ҳам ўз маҳоратли мутахассислари бўлиб улар таълим-тарбияга доир муҳим янгиликлар яратиб, ўз тажрибасини тарғиб қилади. Тарбия бериш ва ўқитишда юқори даражага эришиш ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи шахс бўлиб, болага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир ўқитувчининг муҳим ишидир. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог - бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки соҳанинг тегишли бандларини яхши таҳлил эта оладиган педагогик қобилият эгаси, тарбиялаш ва ўқитиш методикаси ҳамда педагогик техникани мукаммал эгаллаган мутахассисдир.

Таълим-тарбия тизимидағи ҳар қандай камчилик халқнинг ақлий интелектуал ва маданий инқирозига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида ахборот хавфсизлигига, айни пайтда мамлакатнинг барқарор тараққий этишига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан Республикаизда қабул қилинган янги таҳрирдаги Таълим тўғрисидаги Қонуни узвийлик ва узлуксиз томонлари асосида юксак умумий ва касбхунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган истиқбол вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир авлодини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан муҳимдир.

Юртимизда барча таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бугунги пандемия шароитида ҳам республикаизда маълум ислоҳатлар ўтказилдики, бу албатта таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этилишини таъминлади. Масофавий таълим платформасини ташкил этилиши, онлайн дарслар, онлайн –конференциялар, Moodle платформаси, Hemis платформаси орқали таълим жараёнини ташкил этилиши шулар жумласидандир. Шу билан бирга Олий

таълим тизимида кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этилиши кўпгина ижобий натижалар берадиганлиги даврни ўзи кўрсатиб турибди. Талабаларни барча фанлардан ўқитиш жараёнида жаҳонда ва юртимизда барча соҳалар бўйича содир бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар, қонунчилигимиздаги ислохатлар билан таништириб бориш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш педагогларнинг асосий бурчидир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси”нинг 5 та устувор йўналишларини: давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устиворлигини таъминлаш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағри кенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган ўзаро маҳоратли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишни мазмун моҳиятини, ахамиятини тушунтириш ва тарғиб қилиш; қолаверса, ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдаги Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус (1-ташаббус: ёшларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлирини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиласи; 2-ташаббус: ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун шароитлар яратишга йўналтирилган, 3-ташаббус: аҳоли ва ёшлар ўртасида комп’ютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган, 4-ташаббус: ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган, 5-ташаббус: хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади)ларнинг ёшлар орасида тарғиб қилиб ва амалда ижросини таъминлаш биз педагоглар учун йўлимизнинг асосий негизи бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки глобаллашув жараёнида барча давлатлар ва жамият олдида турган мухим вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри ахборот билан таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини юксак баҳолаб, шундай деган эди “Ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган бир зот – Ўқитувчи ва мураббийларнинг олийжаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз. Биз юртимида янги авлод, янги тафаккур сохибларини тарбиялашдек маъсулиятли вазифани адо этишда биринчи галда мана шу мashaққатли касб эгаларига суюнамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканлигини яхши тасаввур қиласиз”.

Шундай экан, бугунги кун ўқитувчи ва мураббийлари илғор педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдалана оладиган ва таълим жараёнида самарали қўллай оладиган, ижодкор, ёшларнинг қалбига чуқур кириб борадиган, ёш авлодга тўғри ахборот ва маълумотлар етказа оладиган педагоглик масъулиятига эга бўлиши хаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 6-сон.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Т., Ўзбекистон, 2016. –Б.14
- 3.Каримов И.А.Ўзбекиснон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент.1997
- 4.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. 201

- 5.Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўракулов, И.Алқаров, Н.Усмоновларнинг
“ПЕДАГОГИКА” китоби. I қисм. Тошкент – 2010. “Фан ва технология”
нашриёти, 2010.
- 6.Оришев Ж.Б., Исоқова Ш. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини
ўстиришга баъзи мулоҳазалар / “Ўзбекистонда илм - фан ва таълим”
мавзусида илмий конференция материаллари. № 1. 26 март. 2020. Б. 78-81